



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2009 йил
7 ноябрь
ШАНБА
№ 89
(12.205)

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

Эркин нархда сотилади

www.th.uz

Эртага – Тиббиёт хошимлари куну

ЭЛ САЛОМАТЛИГИ ИШОНЧЛИ ҚЎЛЛАРДА

Мамлакатимизда аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш мустақиллик йиллари энг устувор вазифалардан бирига айланди. Сўнгги йилларда соҳага давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилаётгани фикримизнинг далилидир. Бугунги кунда оддий қишлоқ врачлик пунктларида ҳам аҳолига кенг қўламада малакали тиббий хизмат кўрсатиш имкониятлари яратилди.

Бир пайтлар қишлоқ амбулаторияларида оддийгина дориланган доқа (бинт) йўқлиги сабабли беморларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатила олинмаган ҳолатларнинг кўп бор шохиди бўлганмиз. Бугун эса, вазият бутунлай ўзгача. Чекка қишлоқ врачлик пунктларида ҳам беморларга замонавий тиббий ускуналар орқали ташхис қўйиш баробарида, тез тиббий ёрдам кўрсатиш, енгил жароҳлик амалиётларини ўтказиш мумкин. Вилоятимизда соҳага бе-


риллаётган юсак эътибор туфайли ана шундай замонавий шифо масканлари тобора кўпайиб бораёпти. Юртбошимизнинг "Республика тиббий муассасалари фаолиятини ташкил этишни тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори бу борада муҳим аҳамият касб этмоқда. Бугунги кунда Қибрай туманида 24 та қишлоқ врачлик пунктлари аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатаётир, – дейди туман тиб-

биёт бирлашмаси бош шифокори Одилжон Бойматов. – Бу йил 19 қишлоқ врачлик пункти тўлиқ жиҳозланди. "Саломатлик – 2" лойиҳаси асосида эса бешта қишлоқ шифо маскани замонавий ташхис қўйиш-даволаш асбоб-ускуналари ва воситалари билан таъминланди. Шифокорлар малакасини ошириш доимо эътиборимизда. Шу мақсадда 60 нафар ҳамкасбимизнинг билим ва малакаларини оширдик. 13 нафари эса ўн ойлик умумий амалиёт шифокори курсини ўтаб қайтди.

(Давоми 2-бетда).

СУРАТАА: Бўстонлиқ туман тиббиёт бирлашмасига қарашли лаборатория ходими Заҳро Тўйчиева иш пайтида.

Еркебой БОТИРОВ олган сурат.



ТАНИ-ЖОНИНГИЗ СОҒ БЎЛСИН

Ўртачирчиқ тумани "Машъал" маҳалласида "Дўстлик" қишлоқ врачлик пункти қуриб, ишга туширилди. Бу тиббий муассаса 4217 нафар маҳаллий аҳолига

хизмат кўрсатади. Замон талабларига тўлиқ жавоб берадиган шифо масканида даволанувчилар учун барча қулайликлар яратилган.



СУРАТАААА: (ўртада) қишлоқ врачлик пункти бош шифокори Светлана Йўлдошева шифокорлар билан навбатдаги режалар хусусида масаҳатлашмоқда; ҳамшира Маъмура Усмонова; ҚВПнинг ташки қўриниши.

Собир ЗУФАРОВ олган суратлар.

Муолажа хонасидан тортиб жароҳлик бўлими ҳам янги тиббий ускуналар билан

жиҳозланди. Лаборатория хоналари "Саломатлик – 2" лойиҳаси асосида отоскоп, оф-



тальмоскоп, поток-1, ультратовуш, электрон тарози, дистиллятор каби асбоблар билан таъминланди. Бу ерда электр энергияси, иссиқлик ва ичимлик суви таъминотида муаммолар йўқ.

– Энди аҳолининг барча қатламлари, айниқса, туғиш ёшидаги аёллар бизнинг доимий назоратимизда, – дейди бош шифокор Светлана Йўлдошева. – Олий тоифали шифокор ва ҳамшираларимиз фуқароларни ҳар ойда тиббий қуриқдан ўтказдилар. Чунки уларнинг соғлиги биз учун жуда муҳим.

Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида чекка қишлоқларда амалга оширилаётган бундай хайрли ишлар аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантиришга хизмат қилмоқда.

Ирода НОРБОВЕВА, "Тошкент ҳақиқати" муҳбири.

ПЕДАГОГЛАР УЧУН АНЖУМАН

Пойтахтимизда халқ таълими тизими ходимларининг маънавий дунёқарашини янада юксалтириш масалаларига бағишланган анжуман бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан ташкил этилган тадбирда илғор ўқитувчи ва мураббийлар, услубчилар иштирок этди.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ишлаб чиқилиб, ҳаётга изчил татбиқ этилаётган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури жаҳон андозалари даражасидаги билим масканларининг барпо этилишида, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлашда, таълим сифати ва мазмунини янада юксалтиришда алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Дастурда педагог кадрларнинг билим ва қўникмаларини, маънавий дунёқарашини, тафаккурини бойитиб бориш, уларни қайта тайёрлаш ва касб малакасини ошириш муҳим вазифалардан бири сифатида белгиланган. Бу борадаги вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида Халқ таълими вазирлиги томонидан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида доимий равишда малака ошириш курслари, ўқув-семинарлари ташкил этилиши аънаёнага айланган.

Ў.А.

Ахборот-коммуникация технологияларидан оқилона фойдаланиш жамият тараққиётига хизмат қилади. Ҳар томонлама қулай бу усул солиққа оид муносабатларда ҳам му-

ҳим аҳамият касб этаётир. Соҳада ахборот тизимлари ва ресурслари яратилгани солиқ тўловчиларга кўрсатилаётган интерфаол хизматнинг янада кенгайишига йўл очмоқда.

ЭЛЕКТРОН ҲИСОБОТ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШАДИ

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан электрон солиқ ҳисоботлари алмашинуви ташкил этилиши, ҳўжалик юритувчи субъектлар молиявий ҳўжалик фаолиятини автоматлаштириш юзасидан зарур чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Шу мақсадда Ўзбекистон Давлат солиқ қўмитаси, Молия вазирлиги, Бухгалтерлар ва аудиторлар миллий уюшмаси ҳамкорлигида савдо, хизмат кўрсатиш, ишлаб чиқариш, фермер ҳўжаликлари ва бюджет ташкилотлари бухгалтерия ҳисобини автоматлаштирувчи дастур яратилди.

Пойтахтимизда мазкур дастур имкониятлари ва

уни янада тақомиллаштиришга бағишланган семинар бўлиб ўтди. Унда бош ҳисобчи-лар, аудиторлар, мутахассислар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари янги дастурий маҳсулотнинг техник ва методологик жиҳатлари ҳақида батафсил маълумот берилди.

Ушбу дастур жорий этилиши билан барча турдаги ҳисобот ва ҳўжатларнинг йўналишига қўра электрон архиви шаклланади. Унга ҳисобчилар томонидан ташкилотнинг молия-ҳўжалик фаолиятидаги кўндалик ҳисоб-китоблар киритиб борилиши натижасида солиқ идораларига топшириладиган ойлик ёки чо-

рак ҳисоботлари автоматик тарзда шаклланади. Бунинг натижасида йўл қўйилган хатолар ўз вақтида тўғриланади ва ташкилотнинг молия-ҳўжалик фаолияти бўйича аниқ маълумотлар базаси юритилади. Ахборот базасида ҳўжатлар марказлаштирилган архивда сақланиши уларнинг атайин ёки тасодифий тарзда йўқ қилинишининг олдини олади. Дастур бош ҳисобчилар ишини қарийб икки бараварга қўсқартиради. Амалиётга кенг татбиқ этилиши режалаштирилаётган ушбу дастурнинг техник имкониятлари мутахассислар томонидан юқори баҳоланди.

Ў.А.

Ангрен шаҳри:

ВАҚТИДА БАЖАРИЛГАН ИШНИНГ НАТИЖАСИ ХАЙРЛИ

Сахий куз фасли қаҳратон қишга ўз ўрнини секин-аста бўшатиб бормоқда. Ҳаммамиз ҳам қишли-қировли кунларни беталафот, хотирчан ўтказишни хоҳлаймиз. Бунинг учун эса, керакли тайёргарликни ўз вақтида қўриш-ни унутмаслик керак. Ангрен шаҳ-

рида куз-қиш мавсумида тайёргарлик ишлари кенг қўламада олиб борилади. Тайёргарликнинг қандай боргани, бу борада амалга оширилган чора-тадбирлар хусусида жойлардаги мутахассислар ўз фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашади.

Биз кузги-қишқи мавсумга тайёргарликни анча илгари – март ойидаёқ бошлаб юборганмиз. Шу йилнинг 23 июнида мамлакат раҳбарининг "Республика иқтисодиёти тармоқларини 2009-2010 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлашнинг таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори эълон қилинган, уй-жой фонди ва ижтимоий соҳа объектларини бу даврда барқарор ишлашга тайёрлаш борасидаги қарори эълон қилинган, уй-жой фонди ва ижтимоий соҳа объектларини бу даврда барқарор ишлашга тайёрлаш борасидаги қарори эълон қилинган, уй-жой фонди ва ижтимоий соҳа объектларини бу даврда барқарор ишлашга тайёрлаш борасидаги қарори эълон қилинган.

Шунга биноан чора-тадбирлар режаси ва комиссия таркиби белгиланган. Уй-жой фондини тайёрлашда вазиятни бошқариш ва тезкор чоралар қўриш учун шаҳарда 14 та округ ташкил этилиб, шаҳар ҳокимлиги, солиқ инспекцияси, ички ишлар бўлими ҳамда прокуратура назоратига олинди.

Соҳадаги ижобий ўзгаришларнинг асосий омилли, авваламбор, ҳукумат томонидан кўрсатилган ёрдамдир. Ангрен шаҳри бўйича тасдиқланган баённомаларга асосан йирик саноат корхоналари, вазирликлар ва компаниялар томонидан моддий ва

маънавий ёрдам кўрсатиб келинмоқда. "Ўзбекэнерго" акциядорлик компанияси ширкатларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга турли ўлчамдаги қурувлар, мини трактор, махсус автомашина, пайвандлаш агрегатларини ажратди. "Ўзнефтахсул" акциядорлик компанияси эса, битум ва рубероид ускунасини олиб бергани аини муддао бўлди. "Ўзбекқўмир" акциядорлик жамияти ҳам баҳоли қудрат ўз ёрдамини аямапти. Жамият ходимларининг кўнлик ёрдами бунинг яққол ифодасидир.

(Давоми 2-бетда).

Вилоят фаоллари йиғилиши

ТАҲЛИЛ ВА ТАНҚИД РУҲИДА

Вилоят фаоллари йиғилишида вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг тўққиз ойлик якунлари ҳамда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг устувор вазифалари муҳокама этилди.

Йиғилишни вилоят ҳокими Рустам Холматов бошқарди.

Фаоллар йиғилишида вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури энг муҳим устувор вазифаларининг баҳарлиши, инкирозга қарши чоралар дастурининг амалга оширилиши, 2010 йилда янги иш ўринларини ташкил этиш дастури лойиҳасининг асосий йўналишлари ва параметрлари, экспорт бўйича башорат кўрсаткичларини баҳарлишига доир қўшимча чора-тадбирлар, қишлоқларда уй-жой қуриш лойиҳаларини амалга ошириш дастурининг асосий параметрлари, иқтисодиёт тармоқлари, уй-жойлар, ижтимоий соҳа иншоотлари ва ишлаб чиқариш инфратузилмасининг куз-қиш даврига тайёргарлиги ҳақидаги масалалар муҳокама қилинди.

Қайд этилдики, жаҳон молиявий-иқтисодий инкирозининг салбий оқибатларини бартараф этиш, вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари изчил амалга ошира борилиб, тўққиз ойлик якунлар бўйича иқтисодий ўсишнинг барқарор юқори суръатлари таъминланди. Ялпи ички маҳсулот 6,1 фоиз ўсди. Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш 10,1, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етиштириш 8,7, қурилиш ишлари 12,5, чакана савдо айланмаси 18,2, хизматлар кўрсатиш 23 фоиз ўсишига эришилди.

Ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва технологик жиҳатдан янгиллаш соҳасида ўзлаштирилган капитал сармоялар 54,2 фоизга ўсди. Унинг таркибидagi тўғридан-тўғри хори-

жий инвестициялар ва кредитлар 13 фоиз ошди. 418 та янги ишлаб чиқариш-тадбиркорлик корхоналари ишга туширилди.

Ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури доирасида 40 дан кўпроқ янги маҳсулот турлари ўзлаштирилди. Натижада импорт ўрнини босувчи 601,4 миллион АҚШ доллари қийматидаги маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотишга эришилди.

Ижтимоий соҳалардаги ислохотлар барқарор давом эттирилди. Янги иш ўринлари очилди. Қўлаб қолж ва мактаблар қурилди ёки қайта таъмирланди.

Шу билан бирга фаоллар йиғилишида барча имкониятлардан тўлиқ фойдаланишга эришилмаётганлиги ҳам танқид қилинди. Бир қатор корхоналар ишлаб чиқаришнинг башорат кўрсаткичларини баҳара олмади. Йирик ва муҳим дастурлар баъзи кўрсаткичлар бўйича тўлиқ бажарилмади. Айрим ҳудудий инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда сусткашликка йўл қўйилди.

Йиғилишда янги иш ўринлари ташкил этиш, қишлоқларда уй-жойларни мажмуавий ва яқка тартибда қуришни кенгайтириш, куз-қиш мавсумини барча соҳаларда пухта тайёргарлик билан ўтказиш, ижро интизомини мустаҳкамлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Фаоллар йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Абдулла Орипов сўзга чиқди.

Ички ишлар идоралари ходимларининг жанговар шайлиги билан бир қаторда юсак маънавият соҳиб бўлиши зиммасидаги масъулиятли ва шарафли вазифани мукаммал адо этишнинг бош омилларидан биридир. Бу борада мунтазам ўтказиб келинётган маърифат дарсларининг аҳамияти катта.

ЮКСАК МАЪНАВИЯТ – ИНСОН КЎРКИ

Навбатдаги шундай маълумотда вилоят ички ишлар ходимлари Ўзбекистон халқ ёзувчиси, "Буюк хизматлари учун" ордени соҳиби Ўткир Ҳошимов билан учрашди. Севишли ижодкор ёшларга билим ва бой тажрибаларини беминнат ўргатиб, уларни она-Ватанга муҳаббат, хизмат бурчиға садоқат руҳида тарбиялашга ҳисса қўшаётган фахрийларга, шунингдек, бу соҳага энди қадам қўйган, ғайрат-шижоатини эзгу ишларга сафарбар этишга шай ёш ходимларга хизматларига муваффақият тилар экан, миллат маънавиятини юксалтиришда тилнинг ўрни муҳим эканлигига алоҳида тўхталди. Мамлакатимиз раҳбарининг "Юсак маънавият – енгилмас куч" асарига илгари сурилган ғоялар, фикр-мулоҳазалар ғоят муҳим эканлигини таъкидлади.

Эртага – Тиббиёт ходимлари куни

ЭЛ САЛОМАТЛИГИ ИШОНЧЛИ ҚўЛЛАРДА

Республика Президентининг "2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини муҳофазатлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида" - ги қарори долзарблиги билан юксак аҳамиятга эга. Туманда қарор ижроси билан боғлиқ ишлар кенг йўлга қўйилган.

Келажагини, фаровонлиги, тинчлик ва ҳамжihatлигини қадрлайдиган юрт, аввало, хотин-қизлар саломатлигига эътибор қаратади, - дейди бош шифокорнинг оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўйича муовини Хабиба Қодирова. - Зеро, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, аёли соғлом мамлакат борки гуллаб-яшнайдми, барқарор ривожланади. Чунки соғлом авлоднинг дунёга келиши кўп жиҳатдан оналарнинг саломатлигига боғлиқ. Шу мақ-

садда биз ФХД, тиббиёт бирлашмаси, хотин-қизлар қўмитаси, "Маҳалла" жамғармаси ҳамкорлигида жамоатчилик ўртасида тиббий маданиятни ошириш мақсадида тарғибот-ташвиқот ишларини кенг йўлга қўйдик. Айниқса, Дўрмон, Лимонария, Геофизика, Қадрия ГЭС қишлоқларида бўлган учрашувлар самарали кечди.

Бугун туман тиббиёт бирлашмасида қилиниши лозим бўлган ишлар талайгина, - дейди бош шифокор муовини Флора Мирахмедова. - Энг муҳими, қишлоқ врачлик пунктларини тез тиббий ёрдам машиналари билан таъминлаш зарур. Қадрлар малакасига алоҳида аҳамият бериш, соҳага кириб келаётган янги тиббий техникаларни ўзлаштириш зарур. Бунинг учун билим ва кўника керак бўлади. Бир сўз билан айтганда, шифокорнинг ўз билим ва малакасини узлуксиз ошириб бориши бугуннинг талабидир.

Улугбек ҲАМРОКУЛОВ,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.



(Давоми. Боши 1-бетда).

ҚУЛАЙ ШАРОИТНИНГ САМАРАСИ БЎЛАДИ

Бекобод шаҳар тиббиёт бирлашмасига қарашли даволаш-профилактика муассасаларининг ҳисоботига назар ташласангиз, бажарилган самарали ишлар талайгина. Шаҳарнинг 87 минг 214 нафар аҳолисига 7 та шифохона, 7 та амбулатория, шунингдек, дориҳона, саломатлик поликлиникаси, репродуктив саломатлик ва ташхис маркази, ДОТС, СПИД лабораториялари ҳамда тез ёрдам бўлимлари сифатли тиббий ёрдам кўрсатмоқда.



Шифохоналарда олий тоифали шифокорлару ҳамширалар юқумли, ўсма, эндокринологик, қон айланиш тизими касалликлари билан оғирган беморларни даволаш учун бор имкониятларини ишга солишяпти. Шунингдек, асаб тизими, нафас олиш, оғир ҳазм қилиш аъзоларида хасталиги бўлганлар ҳам шифо топмоқдалар.

Аҳолига самарали хизмат кўрсатиш учун биринчи галда шифо масканларимизни керакли тиббий жиҳозлар билан таъминлашга ҳаракат қилдик, - дей-

ди шаҳар тиббиёт бирлашмаси бошлиғи Бахтиёр Ярақабов. - Корей Республикасидан грант маблағи ҳисобида "Хундай" русумли тез ёрдам машинасининг келтирилгани ишимизни анча енгиллаштирди. Туғуруқ мажмуасининг лабораториясига биокимевий таҳлил бинокуляр микроскоп, центрифуга-С 60 каби асбоблар олиб келинди. Натижада илгари муаммо бўлган таҳлил натижалари ҳам осонлик билан аниқлана бошланди.

Ирода МАКСУД қизи.

СУРАТЛАРДА: (юқорида) тажрибали ҳамшира Дилфуза Раҳимова; (чапдан) катта ҳамшира Гулчехра Тошпўлатова, ревматолог Раъно Сатторова ҳамда ҳамшира Нигора Эрназарова яратилган қулайликлардан мамн

Даврон АҲМАД олган суратлар.

Мавсум тадориги

Ангрен шахри: ВАҚТИДА БАЖАРИЛГАН ИШНИНГ НАТИЖАСИ ХАЙРЛИ

Ижтимоий соҳа объектларини мавсумга тайёрлаш, таъмирлаш бўйича ҳам талайгина ишлар бажарилди. 2009 йил давлат манзилли дастурига шаҳардаги кўмир саноати, педагогика, тиббиёт, радиотехника коллежлари ҳамда 26-, 3-, 13-мактабларнинг қўшимча бинолари ва 15-мактабнинг

(Давоми. Боши 1-бетда).

спорт залини капитал реконструкция қилиш киририлган эди. Хозирда мазкур муассасаларда таъмирлаш ишлари якунига етказилиб, фойдаланишга топширилди. Бу таълим масканлари замон талабларига жавоб берадиган иссиқлик тизими билан таъминлангани қувонарли. Шаҳар ҳалқ таълими бўлимига қарашли 45 та мактаб ва мактабгача таълим муассас-

саларини мавсумга тайёрлаш мақсадида 900 квадрат метр синган ва эски ойналарни алмаштириш режаси ҳам тўлиқ бажарилди.

Битта шифохона муккамал ҳамда 3 тасини жорий таъмирлаш ишлари ҳам тўлиқ якунланди.

АКБАРХОН КАМОЛХОНОВ,
шаҳар ҳокимининг
биринчи ўринбосари.

СУВ КЕЛТИРГАН АЗИЗ

Ичимлик сувисиз ҳатто бир кунимизни ҳам тасаввир қилиш қийин. Айниқса, кўп қаватли уйларида яшовчилар учун сув танқислиги катта муаммо ҳисобланади. Боз устига қиш кунларида сувнинг тўхтаб қолишидан ёмони бўлмаса керак.

Ана шундай ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида шаҳарнинг ичимлик ва оқова сув тармоқларини мавсумга тайёрлаш бўйича корхонамиз томонидан чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, барча ҳаракатлар ушбу режа асосида ташкил қилинди. Унга кўра 3 километр сув тармоқлари, 2 та электр ҳамда 12 та бошқа ёрдамчи жиҳозларни муккамал таъмирлаш ишлари тўлиқ бажарилди. 6,5 километр сув тармоғи, 15 та техник жиҳозлар, 5 та машина ва механизмлар жорий таъмирланди.

Қиш мавсумида шахримиз аҳолиси, муассасалар ҳамда иссиқлик таъминоти корхоналари тасарруфидаги корхоналарнинг

узлуксиз ишлашини таъминлаш, уларга совуқ сув етказиб бериш учун Ангрен дарёси ўзанида жойлашган захира насос станциясининг жами электр двигателлари ишга туширилди. Шунинг ҳисобига насос захираси яратилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Қишлоқ аҳоли яшаш жойларини ичимлик суви ва табиий газ билан таъминлашнинг янада яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" ги қарорининг ижроси юзасидан "Гулбоғ", "Геолог", "Янги ҳаёт" маҳаллалари аҳолисини ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида керакли далолатномалар ишлаб чиқилиб, вилоят ҳокимлиги ва "Тошвилсуюқава" очик акциядорлик жамиятига тақдим этилди.

Искандар УМАРОВ,
шаҳар "Сувоқава"
ишлаб чиқариш
шўба корхонаси
раҳбари вазифасини
бажарувчи.



ХОНАДОНЛАР ТАБИЙ ГАЗДАН БАҲРАМАНД

Шаҳардаги кўп қаватли уйлари узлуксиз табиий газ билан таъминлаш мақсадида 2004 йилдан газлаштириш ишлари бошланган эди. "Ангреншаҳаргаз" филиали тасарруфига жами 75,5 километр газ қувурлари бўлиб, шундан 15,2 километри юқори, 13,8 километри ўрта, 46,5

километри паст босимли ҳисобланади.

Шаҳарда 19 та газ тақсимлаш нуктаси ишлаяпти. Уларнинг 1 таси юқори, қолгани ўрта босимли. Йил давомида филиал томонидан 2,7 километр ички газ қувурлари реконструкция қилинди. Натижада 35 даҳадаги 607 та кўп

ҚИШ МУАММОСИЗ ЎТАДИ

"Қиш ғамини ёзда е", деган ғани бот-бот эшитамиз. Ҳақ гап. Ишимизда ҳам бу мақол ўзгармас ширга айланган.

Хозирда шахримизда 980 та кўп қаватли уй-жой фонди мавжуд. Шундан 52 таси муккамал, 645 таси жорий таъмирланди. Шу кунгача шахримиз бўйича хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари 113 тага етиб, йил бошига нисбатан 12 тага кўпайган. Бир ширкат 250 та хонадонни бирлаштирмоқда. Бир уйли ширкатлар сони 17 тани ташкил қилмоқда. Хозирда ширкат-

ларга 1 та бошқарув компанияси, 5 та авария-диспетчерлик хизмати ва 3 та махсус тузилган ташкилот хизмат кўрсатмоқда. Ширкатлар уюшмаси томонидан қўшимча 12 та уйнинг том қисми, 20 та уйнинг ертўласидаги қувурлар таъмирланди. Мавжуд 2884 та ертўлага кириш эшиклари ўрнатилди ва таъмирланди.

Шаҳарнинг иқтисодиёт тармоқлари, уй-жой фонди ва ижтимоий соҳа объектларини куз-қиш мавсумига тайёрлаш ишлари доирасида 52 та кўп қаватли уй таъмирдан чиқарилди, шу-

нингдек, 645 та кўп қаватли уйда жорий таъмирлаш ишлари олиб борилди. Аҳолига узатилаётган электр энергиясининг мунтазамлигини таъминлаш мақсадида эскирган 3000 метр кабелъ янгисига алмаштирилди. Иссиқ ва совуқ сув таъминотини яхшилаш учун 5000 метрлик қувурлар янгиланди.

Бахтиёр НИҒМАТОВ,
шаҳар уй-жой
мулкдорлари
ширкатлари уюшмаси
раҳбари вазифасини
бажарувчи.

РАВОН ЙЎЛ БЕХАТАР

Шаҳарда маҳаллий аҳамиятга эга бўлган ички ва маҳаллалараро йўллари таъмирлаш мутасаддиларнинг доимий эътиборида. Бунинг учун алоҳида дастур ишлаб чиқилган бўлиб, таъмирлаш ишларига бюджет ҳисобидан 280 миллион сўм миқдорда маблағ ажратилган.

Шу кунгача шаҳар бўйича 5 минг 306 метр узунликдаги йўллар сифатли таъмирланди. Бундан ташқари, дастурга киритилмаган йўлларни таъмирлаш мақсадида хомий ташкилотлар жалб этилган ҳамда уларнинг ёрдамида маҳаллий аҳамиятдаги 5,6 километр ҳажмдаги ички йўллар таъмирланди.

Материалларни "Тошкент ҳақиқати" мухбири Хуршида НАЗАРОВА тайёрлади.

каватли уйнинг 21 минг 271 хонадонига табиий газ кириб борди.

Биз фақат шу ишлар билангина чекланиб қолмоқчи эмасмиз. Хозирда шаҳар атрофидаги хусусий секторга газ қувурлари

тортилмоқда. Табиий газ етиб бормаган ҳудудларга жадвал асосида баллонли газ етказиб берилмоқда.

Фарҳод ТОШМУРОВОВ,
шаҳар газ таъминоти
идораси раҳбари.


Материалларни "Тошкент ҳақиқати" мухбири Хуршида НАЗАРОВА тайёрлади.

БЕКОБОД ШАҲАР ТИББИЁТ БИРЛАШМАСИ ВА ДАВЛАТ САНИТАРИЯ-ЭПИДЕМИОЛОГИЯ НАЗОРАТИ МАРКАЗИ

ЖАМОАСИ

Мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимида фидокорона меҳнат қилаётган барча ходимларни касб байрамлари билан самимий муборакбод этади.

Уларга эл саломатлигини муҳофаза қилишдек масъулиятли ишларида янгидан-янги зафарлар, улкан муваффақиятлар тилайди. Байрамингиз муборак, азиз ҳамкасблар!



Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан етакчи саноат корхоналарини техник ва технология янгилаш электр техника тармоғининг ҳам салоҳиятини оширмоқда. 2009 йилнинг тўққиз ойи давомида ускуналарни техник модернизация қилиш бўйича ниҳоятда етказилган 156 лойиҳа орасида Чирчиқдаги "ELUS" хусусий илмий-ишлаб чиқариш корхонаси ҳам бор.

КОРХОНА ИМКОНИЯТЛАРИ КЕНГАЙМОҚДА

Ташкилий-бошқарув масалаларини самарали ҳал этиш, ишлаб чиқаришни талаб этилган даражада модернизация қилиш ва техник қайта жиҳозлаш жараёнини молиялаш корхонанинг янада ривожланишида кучли омил бўлди.

Корхонадан олинган маълумотларга қараганда, кучланиш, турли русумдаги трансформаторлар – мой ёрдамида ишлайдиган ҳамда токни ўлчаш трансформаторлари учун ўрамларни ишлаб чиқаришни жадаллаштириш имконини берадиган ўраш дастгоҳлари сотиб олинди. Янги ускуна одамларни зерикарли ва кўп меҳнат талаб қилмайдиган ҳалос этиш билан бир қаторда уни самарали бажариш, унумдорлигини камида уч баравар ошириш имконини беради. Автоматик дастгоҳларни қўллаш ишлаб чиқарилаётган ускунанинг аниқлиги даражасини яхшилади, нуқсонларини камайтиради. Бу эса ундан узоқ вақт фойдаланиш имконини беради ва ишончли ишлашни таъминлайди.

Сотиб олинган мой тозалаш мосламаси эса трансформатор мойи сифатини ҳамда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг техник хусусиятларини яхшилаш имконини беради. Янги турдаги пайвандлаш автоматлари пайванд чоклари сифатини оширади ва кўринишини яхшилади.

Бу ўн йил аввал мамлакатимиз энергетика тармоғини трансформаторли кичик станцияларда қўлландиган юқори вольтли ускуналар билан таъминлаш вазифасини ўз зиммасига

олган "ELUS" хусусий илмий-ишлаб чиқариш корхонаси учун ниҳоятда муҳим. Корхона маҳсулотларига автомобилсозлик, нефть-газ соҳаси, кимё саноати, қишлоқ ва сув ҳўжалиги корхоналарида, фермер хўжаликлари, кичик ва хусусий компания ҳамда фирмаларда ҳам талаб катта.

Корхонада 35 киловольтдан 500 киловольтгача кучланишдаги токни ўлчаш трансформаторларини ишлаб чиқариш ҳам ўзлаштирилди. Илгари улар чет элдан келтирилган эди. "ELUS" корхонасининг ушбу ускунани ишлаб чиқаришни йўлга қўйиши саноатнинг базавий тармоқларидаги шерикларига катта миқдорда валюта маблағини тежаш имконини берди. Чирчиқда ишлаб чиқарилган токни ўлчаш трансформаторлари 220-250 киловольт кучлинишли "Ўзбекистон", "Сўғдиёна", "Сурхон" каби йирик подстанцияларда муваффақиятли ишлатилмоқда.

Модернизация учун сарфланган маблағлар корхонага маҳсулот таннаригини камайтирган ҳолда сифатини яхшилаш имконини бермоқда. Бу жадал ривожланиб бораётган маҳаллий бозорда электр техника ускуналарининг рақобатбардошлигини оширмоқда.

Ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ушбу корхонанинг халқаро стандартлар талабларига жавоб берадиган ускуналарини қўшни давлатлар бозорларига чиқариш учун янги имкониятларни очди.

В. РУДАКОВА,
ЎЗА мухбири.

ШАНБА 15

ЗБЕКISTON	гий
00 "Ассалом, Узбе-	кун
длий кино: "Тузаллик	шаш
нгги наволар".	сий
Борот".	май
анинг кутубона.	дал
ириниб бахти". М.ф.	6 та
ик дастурхон".	Ян
аломатлик сирлари.	жиз
инг бир хунар".	Не
идин уят".	02
Ортин булай" даст-	УЗ
ерим табият".	сум
инд киноси: "Йул-	бўл
айдасан Оймомо?"	наё
зковат".	тас
хиррабо".	02.
енгиздан томчи".	79
00 "Тахлинома".	05
риал "Узгил уйна-	ДОН
	и/ч

унгли қўшиқ истай-	02	Ох
зизизим".	вс	мо
қатл излаб". Б/ф.	797	қў
	16	бў
YOSHILAR	1	Ох
"ун".	Ох	мо
"Табихи наволар".	қў	қў
имдаги фаршшам".	бў	бў
"Тилсимой - гарой-	Ох	Ох
од мактаби".	сақ	сақ
"Гулик - бойлик".	вос	вос
"Хоснапарвар".	13.	13.
"Герорак". Т/с.	хос	хос
ила - меҳр булоғи".	"Не	"Не
"Таштаклар оламида".	х80	х80
"Амаллар табассуми".	ДА	ДА
"Амаллар табассуми".	тра	тра
"Амаллар табассуми".	200	200
"Амаллар табассуми".	12	12
"Амаллар табассуми".	бў	бў
"Амаллар табассуми".	рү	рү
"Амаллар табассуми".	"Ох	"Ох
"Амаллар табассуми".	ри	ри
"Амаллар табассуми".	э	э
"Амаллар табассуми".	си.	си.
"Амаллар табассуми".	"Х	"Х
"Амаллар табассуми".	вос	вос
"Амаллар табассуми".	В17	В17
"Амаллар табассуми".	тум	тум
"Амаллар табассуми".	тум	тум

00 "Салом, Тош-
ес-"Поитхат".
55 Мутоз наволар.
иформ", т./с.
30 "Поитхат".
лар", т./ф.
00 "Теле-
аркет".
иша".
рузаштар ороли".
ларим".
и". М/ф.
иализ "Калдиғочлар
и".
иравона". Спектакль.
тегъдод".
ионсарой".
лауллаликка қайтиб".
ишкентда тағтиба".
иам Мақ Гауер". Б/ф.
иам учин?".
ишкент оқишлари".
ишият килм".

(иж)
№58
бахш
II
Тош
нави
санд
дар
ла
рус
бул

(
га
15
ОО
с

Со
тлари
ра ол
"KAS"

ли те
Ўз
2007
га ол
2068
Да
459-6
Ки
ўтин
оказ
да ж
л иф
ТОНа
SPORT

тека слушает". 00 Футбол. оун Кири". М/ф. вание. сия". Спорт - менинг люют спорти". одо. лкин". лоФРИНГ".	Да да М Бе указ руйка "МО 30104 ийл 5
Марказ 50, 17,00, 18,10, ек навалари. фильм. by Terra Landiya". nat Makon". 00 "Крепкий оре- ф".	Да да Бе кили То 30.06 мига йукол

ес
е time.
«покурер»
«меммера»
сер.

рофТС
Музыка.
«астия»
родские путеше-
е в цветах»
данные аттроскоп»
вкус и цвет»
маленький умный»
ф «Приключения
и Ду»
«фильм»
умнее пятнадцат-

ети»
тории в деталях»
может быть»
уходили кумиры»
символ

шакли
носачи
1 702

СП
20456
хожим
звездо
СО».

Ча
20585
разуе
ние
Пр
тел:

зарег
тов п
г. Таи

ОС
йона
ний у
симво

СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.

ОО "QURILISH-STANDART-INVEST" Мирабадского р-г. Ташкента (ИНН 200510364) сообщает об уменьшении уставного фонда с 162.999.426 сумов до 16.449.713
т.ел.: 256-61-01

СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.

ОО "QURILISH-STANDART-INVEST" Мирабадского р-г. Ташкента (ИНН 200510364) сообщает об уменьшении уставного фонда с 162.999.426 сумов до 16.449.713
т.ел.: 256-61-01

Спорт © Спорт © Спорт © Спорт

СПОРТЧИЛАРИМИЗНИНГ
ЯНГИ МЕДАЛЛАР ШОДАСИ

Вьетнамнинг Ханой ва Хошимин шаҳарларида ёпиқ иштироқлардаги III Осиё ўйинлари давом этмоқда.

Мусобақа дастуридан жой олган ўзбек кураши беллашувларининг учинчи кунинда ҳамюртимиз Ш. Холматов 85 килограмм вазн тоифасида, хотин-қизлар баҳсида Н. Хамдамова 63 килограмм вазн бўйича барча рақибларидан устун келиб, олтин медалга сазовор бўлди.

Сузиш бўйича юртимиз вакили Д. Тулупов қумуш, Д. Бугаков эса бронза ме-

далини қўлга киритди. Пен-чак-силат баҳсларида Ф. Шермухаммедов ва Н. Казакова бронза медал билан тақдирланган бўлса, муай-тайчимиз Ш. Шарипов 57 килограмм вазн тоифасида шохсуланинг учинчи погонасини банд этди.

Компьютер ўйинларининг Counter Strike 1.6 турарида терма жамоамиз умумжамоа ҳисобида иккинчи ўринни эгаллади. Need for

speed: Most wanted бўйича яқаллик баҳсида С. Абдуллаев бронза медал соҳиби бўлди.

Мусобақада футзалчиларимиз ҳам галабали олимларини давом эттирмоқда. Вакилларимиз чорак финалда Япония терма жамоасидан 5:3 ҳисобида устун келиб, ярим финал йўлларига қўлга киритди. Учрашувда рақиб дарвозасига Д. Ирисалиев, Икитта, М. Файзуллаев, Б. Аҳмедов ва А. Юнусов биттадан тўп киритди.

Байрам АЙТМУРДОВ,
ЎЗА мухбири.

ДУНЁ БОКС
МУТАХАССИСЛАРИ ЙИГИЛИШИ

Жорий йилнинг 7-9 ноябрь кунлари пойтахтимизда Халқаро бокс ассоциацияси (АИБА) техник қўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди.

Мазкур тадбир Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси ва Республика бокс федерацияси ҳамкорлигида халқаро майдонда юртимиз бокс мактаби нуфузини янада юксалтириш, спорт соҳасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш ва кенгайтириш

мақсадида ташкил этилмоқда.

Ўзбекистон бокс федерациясининг маълумотиغا кўра, АИБА раҳбарияти, техник қўмита вакиллари, ундан ортиқ давлатнинг бокс федерациялари президентлари ва етакчи мутахас-

сислар иштирокида бўлиб ўтаётган йиғилишда жаҳон миқёсида боксини ривожлантириш, 2012 йили Лондонда (Англия) бўладиган XXX ёзги Олимпия ўйинларига пухта тайёргарлик қилиш, ёш боксчиларни тарбиялаш ва қўллаб-қувватлаш, бокс мусобақаларининг қонунқўдаларига ўзгартиришлар киритиш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

ЎЗА.

Жинойтга жазо муқаррар

Халқимизда, дардинги кимга айтасан? деган гап бор. Тарбиячи порахур бўлса-чи?

Жинойт ишлари бўйича Бекобод шаҳар судининг очик суд мажлисида қўриб чиқилган бир жинойт ишга тааллуқли ҳужжатлар билан танишаётган, беҳтёр шу саволни ҳалдан ўтказди. Гап шундаки, шаҳар халқ таълими бўлимининг услубчи Гулбаҳор Абдуразоқова, умуман, шу идорада ўқитувчилар, кутубхоначилар, услубчилар, боғча тарбиячилари ва мудирлари, мактабларнинг директорларини қайта тайёргарликдан ўтказиш ва малакасини ошириш жараёнида йўл қўйиб келинган сурункали камчилик ва нуқсонлар, вилоят педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтини ўқув ишлари бўлимининг мудир Гулбаҳор Дадажонованинг ўз турмушини яхшилаш ишлари тарбиячилар ўртасида порахурликни авж олдириб юборди. Бир томонда, жойлардаги камчиликлардан ўз манфаати йўлида фойдаланиш, иккинчи томонда, ўз хизмат вази-фасинини рисоладагидек бажариш ўрнига, ишни им-жимида битиришга инти-лиш, йўл-йўлакай бир нарсали бўлиб қолиш нияти ҳар икки масъул ходим ўзaro тил топишишга сабаб бўлди ва бу жинойтчи-ликни келтириб чиқарди.

Ходимларни қайта тайёр-гарликдан ўтказиш ва малакасини ошириш халқ таълими соҳасидаги ислохотнинг етакчи, гоёт муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади. Бироқ, Бекобод ша-ҳар халқ таълими бўлимида бу режа муттасил 60-70 фоизда қўлиб келарди. Усти-га-устак, малака ошириш курсларида келувчиларнинг давомлати ҳам паст. Агар бу ҳолатдан уйдабуронлик билан фойдаланилса, ҳеч шуб-ҳасиз, катта наф қўриш мум-кинлигини ўйлаб, институт ўқув бўлимининг мудир Гулбаҳор Дадажонована те-гишли мутасаддилар билан

дек, унинг ҳам иштаҳасини очиб юборди.

Дастлабки қадам сифати-да шу йил март ойида 5-, 8-, 9-мактабларнинг ўқиту-вчилари Холида Шодиева, Насиба Эргашева, Мунира Умарова, 12-мактаб дирек-тори ўринбосари Мақсуд Хўжаметов сингари ўн ўқитувчидан 100 минг сўмдан йиғиб келиш ҳақидаги талабни дундириб бажарди. Ўқув бўлими бош-лиги ўз иш жойида 950 минг сўмини ундан кўртдек санаб олди.

Реканжир хамирдан қил суғиргандек бажарилши Гулбаҳор Дадажоновани руҳлантириб юборди. У энди ишни воситачисиз, бевосита ўзи битиришни ўйлаб қолди. Биринчи ўлжа ҳам ўзини кўп куттириб қўймади. Бекобод шаҳри-даги 1-мактаб ўқитувчиси Мўяссар Алмишева унинг ҳузурига кириб келди.

ушун юборилган "шароити оғир" ўқитувчилар аримай қолишди. Машгулотларга қатнашмаслигининг йўли осон эканлиги оғиздан-оғизга ўтиб, Олмалик ёки Ангрендан, Қўйиқорчи ёки Бўстонлиқдан келувчи "их-лосмандлар" кўпайгандан кўпайиб борди.

Аслини олганда Гулбаҳор Дадажонована турли қалбаки-чиликларга, жиний ишлар-га хўйла илгари ружу қўйган-ди. Чунончи, 2006 йилнинг июль ойида малака ошириш-га юборилган Олмалик шаҳ-ридаги 2-мактаб ўқитувчиси Дилором Ашировага шу ша-ҳар халқ таълими бўлими услубчиси Қўриниса Абду-раҳмонова иштирокида инсти-тутда ўқитилган ҳақидаги В № 155252 рақамли қалба-ки гувоҳномани қўшқўллаб топширган. Унда институт-нинг гербли муҳри ва дирек-торнинг имзоси қалбақлаш-тирилган. Бирон машгу-

лотга қатнашмаган Дилором Аширова шу сохта гувоҳно-ма асосида то Гулбаҳор Да-дажонованинг порахурлигига доир жиний иш қўзғатилган-нича, яъни 2009 йилнинг ап-религача ўқитувчилар вази-фасини бажариб келди, уч йил мобайнида виждон азо-би уни қўймади.

Ойни этак билан ёпиб бўлмади. Қанчалик усто-монлик билан "андава" лан-масин, жиний, қалбакичи-лик, сохтакорлик вақти ке-либ юзага қалқиб чиқаре-вади. Гап фақат муттадда. Бир ўттиш билан жиний оғирлашиб, унинг излари қуоқлашиб бораверади. Бу ўринда ҳам шундай

вилоят халқ таълими бошқ-армасида жавоб бериши-гизга тўғри келади.

Бу гаплардан кейин Аб-дуразоқова қалтис ишга ара-лашиб қолганлигини ҳис этди. Энди унинг учун "ўйин"дан чиқишдан, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идорасидан ёрдан сўрашдан бошқа илож қолмаганиди. Нихоят, тезкор тадбир жа-раёнида Гулбаҳор Дадажо-нова ўз хизмат ҳонасида 600 минг сўм ва 200 АҚШ дол-ларини пора сифатида олаёт-ган чоғида қўлга тушди.

Табийки, судда Гулба-ҳор Дадажонована минг турда товланди. Кечаги ҳамкорла-рини қўрмагандан, танимай-ман деб туриб олди. Аммо мутахассисларнинг суд-қим-ёвий, суд-фоноскопик, суд-хатшуносик текширувлари юзасидан берган ҳулосала-ри, қўпсонли гувоҳларнинг маълумотлари унинг жиний-ларини тўла тасдиқлади.

Суд уни Ўзбекистон Рес-публикаси Жиний кодексининг 168-моддаси 2-қисми-нинг "б" банди, 211-мод-даси 2-қисмининг "а" бан-ди, 25-210-моддаси 2-қис-мининг "а" ва "б" бандла-ри билан айбли деб топди. Умумий ҳисобда 3 йилу 6 ой муддатга озодликдан, шундан кейинги даврда уч йил муддатга муайян ҳу-қуқлардан маҳрум қилиш ҳақида ҳукм чиқарди.

Қўриб турибсизки, ойни этак билан ёпиб бўлмади, ҳеч қандай жиний жазосиз қолмади. Вилоятда ўқу-втарбия ишлари савиясини кўтариш асосий бурчи бўлган мансабдор шахс қим-мишга яраша жазоланди. Лекин масаланинг маъна-вий-қасбий софлик жиҳати-ни назардан қочириб бўл-майди. Тарбиячи, боз усти-га, соҳанинг бир йўналиши-ни "тебратиб" турган ман-сабдор шахс порахурлик билан шуғулланса, бу пи-ровард натижада бутун таъ-лим-тарбия жараёнига сал-бий таъсир кўрсатади. Буни ҳеч қачон унутмаслик керак.

Жўра САЪДУЛЛАЕВ,
"Тошкент ҳақиқати"
мухбири.

ФАРЗАНДИНГМАН, ЎЗБЕКИСТОН!

Ўзбекистон Республикасида барча фуқаро-лар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга... (Ўзбекистон Республикасининг Конституция-си. 18-модда).

Ўзбекистон Бадий академияси Марказий кўргазмалар залида Кишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилига ба-ғишланган "Фарзандинг-ман, Ўзбекистон!" мавзу-ида кўргазма ташкил этилди. Унда истеъодли мусавир Христофор Кан асарлари санъат ихлос-мандлари эътиборига ҳавола этилди.

Кўргазманинг очили-шида Ўзбекистон Бадий

академияси раиси Т. Қўзиёев Президентимиз Исрол Каримов раҳнамо-лигида кўп миллатли юр-тимизда санъатнинг бар-ча йўналишлари каби таъсирли санъат соҳаси-да ижод қилаётган ижод-корларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, рағ-батлантириш, уларнинг самарали фаолият кўрс-атиши учун зарур шароит ва имкониятларни яра-тиш юзасидан амалга

оширилаётган ибратли ишлар ўзининг юксак са-мараларини бераётгани-ни таъкидлади. Мамлака-тимиздаги тинчлик ва осойишталик, миллатлар-аро аҳиллик ва тотувлик, бағрикенглик муҳити бун-дай эзгу ишларда муҳим омил бўлаётди.

Изчиллик билан ҳаётга татбиқ этилаётган "Киш-лоқ тараққиёти ва фаро-вонлиги йили" Давлат дастури доирасида юр-тимизнинг барча ҳудудларида меҳнат қи-лаётган ижодкорларни ҳар томонлама қўллаб-қувват-лашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Дастурда

белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Бадий академияси то-монидан Қорақалпоғис-тон Республикаси ва ви-лоятлардаги кишлоқ ва овулларда, аҳоли пункт-ларида бадий кўргазма-лар, "Тасвирий санъат ҳафталиги", маърифий анжуманлар, давра су-ҳбатлари ўтказилмоқда. Бу жараёнда юртимиз-нинг турли ҳудудларида ижод қилаётган мусав-ирлар асарларини тар-ғиб ва ташвиқ этиш, ба-дий ва фото кўргазма-лар ташкил этиш алоҳи-да эътиборда.

Фарғоналик рассом Христофор Кан асарлари-да асосан ўзбек ва корейс халқларининг анъанала-ри, урф-одатлари, гўзал кадриялари акс этган. Рассом республика ва халқаро миқёсдаги қатор кўргазмаларда муваффа-қиятли иштирок этган.

Кўргазмада мусавир-нинг она юртимизнинг та-биати, кишлоқлари таро-вати, самимий, бағри-кенг, очикўнгил ва меҳ-натсевар кишилари тас-вирланган туркум асарла-ри томошабинлар эъти-борига ҳавола этилган.

Назозат УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири.

Одамийлик шеваси

Одамларнинг бир-бирла-ри билан муомалаларида шундай азалий туйғулар бор-ки, уни ҳеч қачон йўқотиб бўлмайди. Бир-биримизга бўлган иззат-ҳурмат, меҳр-оқибат, хайру соҳават ва қадр-қиммат қон-қонимизга сингиб кетган. Бундан таш-қари халқимиз кечиримли, саҳий. Яна бир муҳим жиҳа-ти — фақат ўзинигина хос урф-одатлари бор.

Ҳаёт турли тасодифларга, қўлланган воқеаларга тўла. Мен оқибатни икки хил, тўғрироғи, бир-бирига мут-лақо зид қадрайдиган икки-та оилани биланам. Бир ма-ҳаллада рўй берган воқеа бир хил бўлса-да, муносабат...

Олимжон ака саксон беш-ни қоралган отасининг мас-лаҳати билан невараларига тўй қилиб, элга дастурхон ёзишни, шинамгина боғла-рида тушликда базм ўтка-зишни мўлжаллаб, тўй ку-нини белгиланган. Аксига олиб, тўйга эрталабдан тай-ёргарлик бошланган пайтда (қўйлар сўйилиб, ярим таом ва пиширилган тайёрлаб қўйилган) қўшнингнинг уйдан йиғи товуши эшитилди. Хамма югуриб чиқди. Маъ-лум бўлишича қўшнингнинг уч йилдан буён касал этган аёли оламдан ўтибди. Эн-диган 38 ёшга кирган аёл-нинг ҳали жуда ёш беш бо-ласи "чирқиллаб" йиғлаб

турар, меҳрсиз одам ҳам бунга бефарқ қарай олмас эди.

Тўй тўхтатилди. Олимжон ака қўшнингнинг розилиги-ни олиб, марҳумни кўйиб келган, дастурхонни азали уйга ёзди. Одамлар икки қўшни ўртасидаги боқибат-га ҳавас қилиб, тасаннолар айтишди. Кейинчалик эса,

маслаҳат қилиб, қўшнинг айтишди. У эса "болаларим билан маслаҳат қилай", деб чиқиб кетди. Орадан ярим соатлар ўтиб, маҳалла оқсо-қолига юзланди:

— Болаларим ҳам, кели-нингиз ҳам кўймади. Момо-мининики тўй, шу ёшга етган ҳам бор, етмаган ҳам бор, дейишди...

ОҚИБАТ

икки қўшни қиз бериб, қиз олиб, қўда-анда бўлиб ке-тишди. Ўртадаги оқибат бу икки оилани меҳр риштаси билан бир умрга боғлади.

Энди иккинчи воқеага қўлоқ тутинг. Қизилгул мого маҳалласининг энг кекса аёл-ларидан бири бўлиш билан бирга беш ўғилни отасиз ўстирган, ўзи емай, едирган табаррук онахонлардан бири эди. Мого тонга яқин 86 ёшда оламдан ўтди. Аксига олиб, ўша кўни ён қўшини келин туширишдан бўлиб, тўй белгиллаб қўйган экан. Момони тушликка қондир-май, кўйиб келган, уч-тўрт қария қўшнингнинг тўйи ма-ҳалланинг четроғидаги ки-чикроқ қафга қўчиришни

Даврадагилар бу эркак-нинг оилада сўзи йўқлигига ишонишиб, индамай қўя қолишди. Бир томонда тўй, бир томонда аза билан тун ҳам ўтди, фақат кўнгида доғ қолди. Қўшнингнинг бу боқи-бат ишидан қаттиқ хафа бўлган момонинг кенжа ўғли уйни сотиб, бошқа маҳалла-га қўчиб кетди. Ҳақиқий аҳоли кишидир билди, ким-дир билмади...

— Инсон қалбиди оқибат-ни шакллантириш учун ав-вал уни меҳрга ўргатиш ке-рак экан, — дейди кўпни кўрган оқсоқоллардан бири Муродхон бува. — Ота-она фарзандларга болалигида-ноқ ўзгаларга, элга, юртга, Ватанга меҳр уйғотса, у ул-

гайчан, албатта, оқибатли бўлади.

Оқибат эса ҳар қадамда керак. Бир-биримизга муо-мала ва муносабатларимиз-да соҳталиқ эмас, самимий-лик бўлса, ҳаётимиз ҳам мароқли кечад.

Оқибат бўлмаса, ўртадаги муҳаббатнинг ҳам қадри бўлмайди. Ахир аҳду вафо-нинг ҳам, садоқат содиқлик-нинг ҳам замирида оқибат ётади. Оқибатсизлик ўртада-ги ҳурматни йўқотади, му-носабатларга раҳна солади, одамларни бир-бирига бе-қадр қилади. Шунинг учун оқибатни йўқотиб бўлмайди, уни қадрламай, уни доимо дилда эъзозламай яшаб бўлмайди.

Ўзаро суҳбатларда "оқи-батли фарзанд", "оқибатли дўст", "оқибатли қариндош" каби ибораларни тез-тез эшитиб тураемиз. Чунки, то ҳаёт эканмиз, оқибатли фар-занда, дўсту оғайнига, қариндош-уруғга, қўни-қўшинга доимо эҳтиёж се-замиз.

Оқибат — инсон умрини узайтиради, соғлигини мус-таҳкамлайди, десак ҳам му-балажа бўлмайди. Зотан, ҳар биримиз бу дунёга оқибат қўгани келганмиз. Буни ав-вало ўзимиздан бошлашсақ, оқибат ҳеч қачон йўқолмай-ди!

Ҳамид НОРКУЛОВ.

01 огоҳлантиради

ХАЗОН ЁҚИШНИНГ
ОҚИБАТИ

Шу йилнинг ўтган 10 ойи мобайнида вилоят-мизда 1347 та ёнғин содир бўлди. Бу оғат 14 нафар фуқаронинг умрига зомин бўлди. Моддий зарар 481 миллион сўмдан ошди.

Вилоят ёнғин хавфсизли-ги хизмати ходимлари шах-сий уйлар, қорхоналар, мак-таб ва боғчаларда, даҳалар-да, маҳаллаларда аҳоли би-лан учрашувлар ўтказмоқда-лар. Фуқароларга ёнғиннинг олдини олиш йўллари, со-дир бўлиш сабаблари ва уларнинг оқибатлари тушун-тирилмоқда.

Халқ ҳўжалиги қорхона-лари ва фуқаролар уйлари-нинг ёнғинга қарши ҳолати текширилиб, аниқланган камчиликлар бартараф этил-моқда.


Ҳозир айти кузги хазон-рез палласи. Қўчаларда, очик майдонларда қуриган барглр, шох-шаббалар тўпланиб қолапти. Уларни йиғиштириб, белгиланган жойларга элтиб ташлаш

ўрнига ёқиб юбориш ҳол-лари юз берапти. Айниқ-са, мактаблар, болалар бо-ғчалари ва ташкилотлар ат-рофида хазонларга ёқиб-дан чиқаётган тўтун, захар-ли ис аҳоли саломатлигига хавф солапти.

Ёқилган барглрнинг за-ҳарли моддаларга тўйинган тутунни ўпка орқали қонга сўрилиб, тана аъзоларига кучли таъсир кўрсатади. Хазон ёнғиндан қосил бўлади-ган қурум ва тутунлар на-фақат одам, балки ён-ат-рофдаги ўсимлик ҳамда ҳай-вонот дунёсига, шунингдек ернинг унумдор қатламига ҳам зарар етказди.

Барно АЗИМОВА,
вилоят ёнғин
хавфсизлиги
бошқармаси нозир.

Рассом ханааси



Изоҳга ҳолат йўқ!

Хусан СОДИКОВ чизган расм.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис:

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОҚИМЛИГИ

Бош муҳаррир

Убайдулла

АБДУШОҲИДОВ

Телефонлар:

Хатлар ва оммавий ишлар бўлими:

236-55-54.

Эълолар: 236-55-03, 236-53-54.

Манзилимиз:

100000, Тошкент шаҳри,

Матбуотчилар кўчаси, 32.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармаси томонидан 2006 йил 18 декабрда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» тахририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир

Жўра САЪДУЛЛАЕВ

Навбатчи

Хурушида НАЗАРОВА

Саҳифаловчи

Тоҳир МАХМУДУЖАЕВ

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади.

Нашр индекси — 205.

Буюртма Г-1040. Адади 4177.

Ҳажми — 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

ISSN 2010-9318.

Белгилли материаллар — тижорат материаллари.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди.

Қорхона манзили: "Буюк Тўрон" кўчаси, 41-йў.

Босишга топшириш вақти — 20.00. Босишга топширилди — 19.50.

2 3 4 5